

ЧАРМДЎЗЛИК ВА МЕТАЛЛСОЗЛИКНИНГ ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪТИДАГИ ЎРНИ

Эшбоев Шахриёр Фурқат ўғли, ЖДПИ Жисмоний маданият факультети
I босқич магистранти

furqat7312@mail.ru

Тарихий манбаларда туркий халқларнинг чорвачилик, боғдорчилик, лалми ва суғорма деҳқончилик, савдо ҳамда хунармандчилик билан шуғулланганлиги кўп эслатилади. Бироқ, юқорида санаб ўтилган хўжалик турларидан чорвачилик қадимги аجدодларимиз ҳаётида алоҳида ўрин тутган. Чорвачиликнинг кўчманчи ҳаёт тарзи, ноқулай табиий шароитда чорва ортидан узоқ масофаларга кўчиб юриш ва яйловлар учун курашни тақозо этган. Шунинг учун қадимги чорвадорлар бир пайтнинг ўзида чавандоз (суворий)лик ва ҳарбий соҳа сирларини мукаммал эгаллаган. Бу эса аجدодларимиз кийим -бошининг отда чопиш, тоғу тошда юриш, иссиқ-совуққа мос бўлиши, шунингдек тасодифий ҳарбий тўқнашувларда жанг олиб бориш ва ҳимояланишга жуда қулай бўлишини тақозо этган.

Жиззах воҳасида аҳолининг кўнчилик маҳсулотларига бўлган талаби маҳаллий шароитда ўзлари томонидан қондирилган. Воҳанинг ҳар бир қишлоғида кўнчилик билан шуғулланувчи маҳаллалар бўлган. Масалан, Фориш, Бахмал, Зомин туманидаги чармгарлар асосан териға ишлов бериш ва теридан маҳсулотлар тайёрлаш билан шуғулланганлар. Хунармандчиликнинг бу тури ҳам қадим анъаналарға эға бўлиб К.Ш. Шониёзовнинг ёзишича, “Қанғарлар даврида чармдан ишланган буюмлар ҳам кенг тарқалган. ... Чарм маҳсулотларидан қилинган буюмлар ҳамда кийимларни кўчманчи ва ярим ўтроқ яшаб, чорва билан шуғулланиб келган қанғарлар ишлатганлар. Чармдан ўқдонни солиб юрадиган чарм халталар, пичоқ қинлари, саноч, меш ва бошқа буюмлар тайёрланган” [1: 110]. Кейинчалик ҳам бу анъана давом эттирилиб, юртимиз ўзининг чарм маҳсулотлари билан машҳур бўлган. Яқин вақтларгача ота-боболармиз

чармдан оёқ буюми (чорик) – пошнасиэ этик, отда юришга мўлжалланган баланд пошнаиэ этик, пўстин ва тумоклар ясаб кийишган. Тўшама буюмлар, ғилоф, меш ва бошқа зарурий рўзгор буюмлари тайёрланган. Ҳозирги пайтда ҳам воҳанинг чорвадор аҳолиси орасида чармдан кўплаб буюмлар тайёрлаш амалиёти сақланиб қолган. Шундай қилиб, кийим-бош ва кундалик турмушда ишлатиладиган жиҳозларни тайёрлашда чорва терисидан фойдаланиб, териларнинг асосий қисми маҳаллий чорва (ҳар хил турдаги мол, қўй, қўзи, эчки, туя, от) ва ёввойи ҳайвонларнинг терисидан хонаки технология асосида етиштирилган.

Аждодларимз ҳарбий кийим-бошларида металлдан ясалган буюмлар ҳам муҳим ўрин тутган. Улар турли хил металлдан ясалган жанг қуролларидан ташқари, зирх, камар тўқаси, узанги, сувликлар кўринишида учрайди. Юртимизда ҳудудида ўрганилган мазорқўрғонларда қайд этилган темирдан ясалган ўткир тигли қуроллар – қилич, ханжар, камон ўқлари, пичоқ ва бошқалар аждодларимизнинг ҳунармандчилиқни металлсозлик соҳаси ҳам юксак даражада ўзлаштирганлиқларини кўрсатади. Дарҳақиқат, чорвадорлар ҳарбий тадбирлар муваффақиятини белгиловчи темир қуроллар ишлаб чиқаришда моҳир уста бўлишган.

Шарқий Туркистоннинг Тангритоғ ёнбағирлари (Олой сойи)да сакларга оид қабрлар ва турар жой қолдиқларидан қазиб олинган нарсалар ичида тилла, кумуш, мис, темир, сопол, ёғоч, ипак ва лак буюмлари асосий ўринни эгаллайди. “Сакларда айниқса, тилладан ясалган буюмлардан фойдаланиш биринчи ўринда турган” [2: 208]. Византия элчиси Земархга туркутлар сотиладиган темирни тақлиф қилганларида ҳайрон бўлиб қолади ва бу уни чалғитиш учун атайлаб қилинаяпти, деган шубҳага боради, “одатда уларда темир топилиши анча мушкул” деган гап юрарди[3: 52]. Аслида, туркийлар металлургияни тараққий эттириб, ўз қўшинини қайта қуроллантириб, зирхли суворилардан танланган зарбдор қисмлар ташкил эта олган эдилар. Улар шохли ёй, зирх кўйлак, найза, қилич, ўткир суворий шамширлари билан қуролланганлар.

Фикримиз тасдиғи сифатида, 1984 йили Сирдарёдан топилган дубулға эътиборингизни қаратсак. Ушбу дубулға бундан 2000 йил олдин ясалган бўлиб, унинг зирҳи қўшқаватли ва турли металл қотишмаларидан иборат. Мутахассислар уни яшаш учун маҳаллий хом ашё, жумладан, Қорамозор рудаси асосий материал бўлиб хизмат қилган, деб тахмин қиладилар[4: 10-февраль]. Туркистон тоғларининг шимоли-ғарбида Уструшона тоғлари – Моргузар тоғларининг жануби-ғарбида 4 та тоғ металл зонаси, Чимқортоғдаги Лятабанд, Боғмозор, Моргузор тоғларидаги Шойбоқсой ва Миқсой мавжуд бўлган. Руда қазиб олиш ва қайта ишлаш марказлари Шойбоқсой ва Миқсойда мавжуд бўлган[5: 13-14]. Бу ерда Ўрта Осиёдаги йирик, рудани қазиб олишдан қора металлдан тайёр маҳсулот яшашгача бўлган, ишлаб чиқаришнинг тўлиқ шакли – ихтисослашган металлургия маркази мавжуд бўлган. Бу маълумотлар чорвадорлар амалий санъатида металлсозлик соҳаси ҳам муҳим ўрин тутганлигини ва унинг юқори даражада тараққий этганлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, аجدодларимизнинг қадимги даврдаги кийим бошлари турли хил шароитда яшаш, жанговарлик юришларида қатнашиши учун жуда қулай бўлган. Ушбу либосларнинг тасвирий санъат асарлари ва археологик ёдгорликларда сақланиб қолган намуналари бугунги кундаги (замонавий)чавандозлар киядиган уст-бошларга жуда ўхшайди. Демак, ҳозирги от спорти билан боғлиқ миллий спорт кийимларининг илдизи қадим тарихимизга бориб тақалади. Уларни изчил ўрганиш ва халқимиз орасида кенг тарғиб қилиш эса, бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар – Ф.: “Фарғона”, 2013. 208, 230 бетлар.
2. Шониёзов К.Ш. Қанғ давлати ва қанғлилар –Т.: 1990. 109,110 бетлар.
3. Stein A. Imperiost Asia – V.: 1928. Vol.II, p. 614.
4. Курбонов А.Э. Шимолий Сурхон воҳаси аҳолиси анъанавий маданиятининг этник ва локал хусусиятлари (XIX аср охири – XX

асрнинг биринчи ярми) Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс... –Т.: 2009. 71 бет.

5. Комсомольская правда, 1984, 10- февраль.